

ТИЛГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

Нилуфар Файзуллакулова МАМАТҚУЛОВА

Ўқитувчи

Инглиз тили интеграллашган курси №2 кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННЫЙ ПОДХОД В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ЯЗЫКОВЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Нилуфар Файзуллакулова МАМАТКУЛОВА

Интегрированный курс кафедры английского языка № 2

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

LEARNER-CENTERED APPROACH IN TEACHING ENGLISH TO STUDENTS AT INSTITUTIONS SPECIALIZED IN LANGUAGE TEACHING

Nilufar Fayzullakulovna MAMATKULOVA

English Integrated Skills Course Department No. 2

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan mamatkulovnilu@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 372.881.111.1

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): Маматкулова Н.Ф. Тилга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 6(35). — Б. 98–109.

<https://doi.org/10.36078/1614185760>

Received: November 18, 2020

Accepted: December 23, 2020

Published: January 20, 2021

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада шахсга йўналтирилган ёндашув ва унинг тилга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини ўқитишдаги аҳамияти муҳокама қилинди. Талабаларнинг шахсга йўналтирилган ёндашувини ривожлантириш, тил ўрганишдаги аҳамияти бир қанча олим ва тадқиқотчилар томонидан берилган тавсифлари таҳлили очиб берилди. Дунёда бўлажак чет тили ўқитувчиларининг хорижий тил компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқитиш мазмуни ва ўқув методик таъминоти, таълим технологиялари, назорат объективлигини такомиллаштириш; умумевропа стандартлари талаблари асосида компетентли чет тили ўқитувчиларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга доир технологияларни ишлаб чиқиш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда мустақил таълимни ташкил этиш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий- амалий аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда талабаларнинг таълим жараёнидаги фаолиятини ошириш ва юксалтиришга кўп эътибор қаратилмоқда, айниқса тил ўрганувчилар учун таълим кўникмаларини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Етакчи хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитишда талабалар шахс сифатида ривожлангани, устоз ва талабанинг тутган

ўрнидаги ўзгаришлар каби масалаларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Калит сўзлари: шахсга йўналтирилган ёндашув; талаба автономияси; индивидуаллик тамойили; анъанавий дарс; шахсга йўналтирилган дарс.

Аннотация. В статье описывается личностно-ориентированный подход и развитие личностного подхода у учащихся высших учебных заведений, специализирующихся на изучении языка. Принципы формирования личностного подхода к студентам и важность изучения языка раскрываются при анализе описаний, предложенных рядом ученых и исследователей. В мире проводятся исследования по развитию иноязычных компетенций будущих преподавателей иностранного языка на основе личностно-ориентированного подхода по следующим приоритетным направлениям: совершенствование содержания и методов обучения, образовательных технологий, объективности контроля. Научное и практическое значение имеет разработка технологий обучения компетентных преподавателей иностранного языка на основе личностно-ориентированного подхода в соответствии с требованиями европейских стандартов, проведение исследований в области организации самостоятельного обучения как в классе, так и внеучебной деятельности. В настоящее время в Узбекистане уделяется большое внимание повышению активности студентов, изучающих языки, в учебном процессе. Исследования ведутся по таким вопросам, как личностное развитие студентов при обучении иностранным языкам в вузах ведущих зарубежных стран, изменение позиции преподавателей и студентов.

Ключевые слова: личностно-ориентированный подход; автономия учащихся; принцип индивидуальности; традиционный урок; личностно-ориентированный урок.

Abstract. The article describes the learner-centered approach in teaching English to students of higher education institutions specializing in language. The importance of learner-centered approach in language learning is revealed in the analysis of descriptions given by a number of scholars and researchers. In the world, research is being conducted on the development of foreign language competencies of future teachers of a foreign language on the basis of a learner-centered approach in the following priority areas: improving the content and methods of teaching, educational technologies, objectivity of control; The development of technologies for the development of competent teachers of a foreign language based on a learner-centered approach in accordance with the requirements of European standards, research in the field of organizing independent learning in the classroom and outside of educational activities is of scientific and practical importance. At present, Uzbekistan pays great attention to increasing and improving the activeness of students in the educational process, especially those studying languages. Research is being conducted on such issues as the development of students as individuals in teaching foreign languages in universities of leading foreign countries, changing the position of teachers and students.

Keywords: learner-centered approach; learner autonomy; individuality principle; traditional lesson; learner-centered lesson.

Кириш. Бутун жаҳонда хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ва сифатини ошириш жаҳон ҳамжамияти ривожининг ўзига хос шартларидан биридир. Жаҳон тажрибасида шахсга йўналтирилган ёндашув ва замонавий ўқитиш методикаси бир бири билан узвий боғлиқ. Таълим жараёнида талабаларнинг шахс сифатида камол топгани аҳамиятга моликдир. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тамойилларидан бири таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, таълимнинг тарбиявий имкониятларини оширишдир. Хорижий тилларни ўқитишнинг муҳим йўналишларидан бири бу янги технологияларни яратишда шахсга ёндашишдир. Ҳар бир талабанинг ўзига хос индивидуал–психологик хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурати илмий ва амалий сабабларга боғлиқдир. Бундан ташқари шахсга йўналтирилган ёндашув таълим тарбиянинг давр талабига мослиги қонуниятини ўқувчи шахсининг моделидан келиб чиқиб коммуникатив компетенцияни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир фанни ўқитишда синфда ва синфдан ташқари таълим–тарбия ишлари мақсади таълим олувчи шахсини ривожлантиришга қаратилади. Бунда таълим- тарбия мақсад, мазмун, метод ва воситалари ўзаро боғлиқлиги қонуниятига асосланади.

Асосий қисм. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг моҳияти аслида, талабаларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб, уларнинг мақсад ва эҳтиёжларини, когнитив услубларини, уларнинг тил ўрганиш жараёнидаги стратегия ва мотивацияларини ҳисобга олишга асосланади. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосида талабани ўрганиш жараёнининг объекти эмас балки субъекти сифатида қабул қилиниши фикри ётади. Бу тушунча талабанинг хорижий тилни ўзлаштириш жараёнидаги муоммони ҳал қилишдаги автономияси яъни мустақиллигини ошириш устунлиги, индивидуаллик принципининг устуворлиги асосидадир (4, 3).

Википедиада келтирилган маълумотга кўра шахсга йўналтирилган ёндашув ёки шахсга йўналтирилган таълим ўқув жараёнида маъсулият ўқитувчидан талабага яъни шахсга йўналтирилган ўқитиш усулларини кенг қамраб олади. Дастлабки мақсадда, шахсга йўналтирилган ёндашув талабалар учун мустақил равишда ўрганиш ва мустақилликни ривожлантиришга қаратилган бўлиб талабалар учун ўзларига муайян бир мавзу ва маълумотни қандай ўрганиш кераклиги ҳақида билим ва кўникмалар бериш орқали талабага ўзлаштириш маъсулияти юклатилади. Бу ёндашув шахс ўзлаштирган билим ва кўникмаларини ҳаёти мобайнида муаммоларини мустақил ҳал қилишга имкон берадиган қобилият ва амалиётга қаратилган.(18) Бундан ташқари устоз ва талабанинг тутган ўрнидаги ўзгаришлар ҳам анъанавий дарсдан қочишга имкон яратади. Бу янги нуқтаи назар йўналиши бўлиб “шахс индивидуал ишлаш қобилияти, танкидий мулоҳаза қила олиш, қарор чиқара билиш ва мустақил ҳаракат қила олиш маҳорати борлигини кўрсатади, яъни талабалар ўзларининг ўрганиш жараёнида кўпроқ маъсулиятни ўз зиммаларига олиши кутилади” (7, 6).

Таълимда ёндашув бу — “методологиянинг асосий тоифаси бўлиб, тил ўқитиш стратегиясини аниқлаш ва уни амалга оширадиган ўқитиш усулини танлаш ўқитилиши керак бўлган субъект моҳияти нуқтаи назарни ўз ичига қамраб олади” (19). Ёндашувнинг бошқа тушунчалари ҳам мавжуддир. Жамоат онгининг ташувчилари

сифатида таълим субъектларининг ижтимоий муносабатлари акс этадиган дунёқараш категорияси;

Б) таълим жараёнининг глобал ва тизимли ташкилот ва ўз-ўзини ташкил этиши, унинг барча таркибий қисмлари авваламбор ўқитувчи ва талаба яъни педогогик ўзаро муносабатларнинг субъектларидир” (17, 20).

Шахсга йўналтирилган ёндашув асосан гуманистик фалсафа ва психологияга асосланган бўлиб ўқитишнинг замонавий методикаси билан ўзаро боғлиқ ва “ўрганувчи марказда”, “шахсга (ўрганувчига) йўналтирилган таълим” инглиз тилида эса “learner –centered approach” деб юритилади. Ушбу тушунчалардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ўрганиш жараёнининг марказида талаба (ўқувчи), унинг шахсиятининг ўзига хослиги, қизиқиш ва мақсадлари туради.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг умумий хусусиятлари қуйидагича шакллантирилади:

- Ўқув жараёнининг бир қанча элементларини ихтиёрий танлаш эркинлигини тақдим этиш;

- Талабаларнинг ўз-ўзини муносиб баҳолашини шакллантириш;

- Индивидуаллаштиришнинг турлича воситаларидан фойдаланиш (13).

Шахсий-фаолият (лично-деятельностного) ёндашуви янги йўналиш ғояси А.А. Леонтьев томонидан шакллантирилган ва у билан боғлиқ бўлган янги ёндашув тамойилларини шахсият ва фаолият хусусиятларига кўра ажратиб кўрсатилган. Бу тасниф таҳлил қилиш, келгуси ривожланишда асос сифатида танланган, яъни унга кўра шахсга йўналтирилган тамойиллар:

1. Мослашиш тамойили

2. Ривожланиш тамойили

3. Психологик –қулайлик тамойили

4. Фаолиятга йўналтирилган тамойиллар:

5. Ўқув фаолияти тамойили.

6. Ўқув жараёнида таълим соҳасидаги фаолиятдан ҳаётий вазиятлар фаолиятига ўтиш тамойили.

7. Ҳамкорликда ўқиш ва когнитив фаолиятдан мустақил фаолиятга ўтиш тамойили.

8. Олдинги ривожланишга таяниш тамойили.

9. Креатив (ижодийлик) тамойили ёки креативлик кўникмаларини шакллантириш тамойили.

10. Баҳолаш тамойили (6, 122).

Шундай қилиб, шахсий-фаолият ёндашуви асосий тамойилларидан бўлган коммуникативлик тамойили ва амалий ўрганиш тамойиллари шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тамойиллари сифатида деб ҳисобланади. Хорижий тилни ўқитишдаги асосий муоммолардан бири шахсият ва фаолиятдаги нисбатдир. Шахсга йўналтирилганлик бир вақтнинг ўзида фаолиятга йўналтирилганлик ҳисобланади сабаби тил ўрганувчилар ва тилнинг маҳаллий гапирувчилари ижтимоий фаолият субъекти сифатида қаралади. Шахснинг ижтимоий фаолият субъекти, унинг когнитив, ҳиссий ва ихтиёрий манбалари сифатида, фаолият ёндашуви инсоннинг барча шахсий хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради. Шахсга йўналтирилган ўқув тизимини шакллантиришда янги ёндашув мавжуд, субъектив тажрибанинг фаол ташувчиси сифатидаталабанинг шахсияти устуворлиги ҳисобга олинади.

Индивидуаллаштириш тамойили, талаба автономияси ошириш тамойили сингари талабанинг ривожланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Юқорида муҳокама қилинган фикрлардан келиб чиқиб айта оламизки, ОТМларда талабаларни ўқитиш ва ўқиш жараёнидаги талабалар автономиясини ривожлантириш учун шахсга йўналтирилган технологиялар юксалтирилиши талаб этилади. А.А.Леонтьев таъкидлаганидек, талабаларда мустақил ўқув фаолиятини рағбатлантириш учун ўқув жараёнини муоммоли вазиятлар тизими ва таълимнинг таркибини ушбу муоммоларни ҳал қилишга қаратилган воситалар тизимига ўзгартириш зарур.

Шахсга йўналтирилган таълим ҳар бир талабани билим олиш жараёнига фаол жалб қилиш имкониятини яратади, олган билимларини нафақат амалиётда қўллай олиш, балки аниқ тушунчага эга бўлган ҳолда қаерда, қандай ҳолатда ва қандай мақсадларда тадбиқ этилишини ҳам яхши англаб етади; ҳар хил муоммоларни ҳал қилишда бирга ҳамкорликда ўз мулоқот қобиятларини кўрсата олади. Шахсга йўналтирилган тарбия жараёни ёш авлоднинг маънавий етуқлигини ривожлантиради, ўз ўзини англашга ёрдам беради ва ўз ўзини тарбиялашни рағбатлантиради. Шахсга йўналтирилган таълим ва тарбия марказида талабаларнинг маҳсулдор фаолиятининг таянчи бўлган педагогик технологиялар: уларнинг ҳамкорликда ишлаш педагогикаси, мустақил индивидуал ёки гуруҳларда ишлай олиши; ўқув фанларининг интеграцияси ва глобал дунёқараши ётади (2, 257). Шу ўринда Л. Ахмедова таянч, интерфаол, ҳамкорликда ўқитиш, ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш каби шахсга йўналтирилган ёндашув технологияларини тавсия этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисми “шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи”силиги таъкидлаб ўтилган. Жаҳон тажрибасида шахсга йўналтирилган ёндашув ва замонавий ўқитиш методикаси бир бири билан узвий боғлиқ. Таълим жараёнида талабаларнинг шахс сифатида ривожланганлиги аҳамиятга моликдир. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тамойилларидан бири таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, таълимнинг тарбиявий имкониятларини оширишдир. Ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида авваламбор шахсни кўриши зарур. Бу соҳада фаолият олиб борган олимларимиздан бири А.Чориев айтиб ўтганидек таълим тарбиянинг давр талабига мослиги қонуниятини ўқувчи шахсининг моделидан келиб чиқади. Ҳар бир фанни ўқитишда синфдан ташқари таълим–тарбия ишлари мақсади таълим олувчи шахсини ривожлантиришга қаратилади. Таълим-тарбия мазмуни, методлари ва воситалари ҳам шахс имкониятларига асосан белгиланади (21).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги уни халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли аъзо бўлишга, хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, маданий алоқаларни ўрнатишга ундади. Бундай алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашда шахснинг яъни бўлғуси кадрларнинг хорижий тил компетенцияларини мукамал эгаллаганлик даражаси зарурияти, шубҳасиздир. Таълим олиш жараёнида муваффақиятли бўлиш талабаларнинг асосий мақсадидир. Ваҳоланки бу осонлик билан эришиладиган жараён эмас айниқса тил ўрганишда. Бу пайтда ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган ёндашув технологияларидан унумли фойдаланиб талабага жамият ва

ҳаётда ўзига ишончни ҳис қилдира олса талаба шахс сифатида ўзини танийди ва олға интила олади.

Мерилин Уеймер (Maryellen Weimer) шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитишнинг хусусиятларини қуйидагича келтириб ўтади:

- Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитиш талабаларни машаққатли таълим ишларига жалб қилади. Ўқитувчилар талабалар учун жуда кўп ўқув вазифаларини бажарадилар: саволлар беради, талабаларни чақириб уларнинг жавобларига батафсил маълумот беради ва ҳақозолар. Мерилин Уеймер шундай деб таъкидлайди: “Ҳар қандай кунда, кўпгина синфларда ўқитувчилар ўқувчиларга қараганда анча кўп ишлайди. Мен бу вазифаларни ҳеч қачон бажармаслигимизни маслаҳат бермайман, лекин менимча, ўқувчилар машқ қилиш имкониятисиз мураккаб ўқув кўникмаларини қандай ривожлантирадилар ва аксарият синфларда ўқитувчи талабаларга қараганда анча кўпроқ машқ қилади”.

- Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитиш аниқ кўникма йўналишларини ўз ичига олади; талабаларда танқидий фикрлай олиш қобилияти, муоммога ечим топиш, маълумотларга баҳо бериш ва таҳлил қила олиш каби ўрганиш жараёнидаги муҳим кўникмалар ривожлантирилади.

- Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитиш талабаларда нимани ўрганаётганини ва қандай ўрганаётганини қайта ўйлаб кўриб таҳлил қилишга руҳлантиради.

- Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитиш талабаларда ўрганиш жараёни устидан бир оз назорат қила олиш имконини бериш орқали талабалар мотивациясини оширади; мисол учун топшириқлар орасидан танлаш имкони ёки бўлмаса вазифани тошириш муддатини белгилаш каби имкониятлар берилиши назарда тутилади.

- Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқитиш ҳамкорликда ўрганиш имконини беради (15).

А. А. Залевская замонавий лингводидактик жараёнларни тил ўрганишдаги кўплаб яъни лингвистик, психологик, шахсий, ижтимоий, педагогик каби омилларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш истагини парадигма алмашинуви сифатида кўриб чиқади (16). А. Притчэрд (A. Pritchard) нинг таъкидлашича “олий таълимда таҳсил олиш мактабда ўқишдан катта фарқ қилади. Муҳим фарқлардан бири бу ўрганувчиларга бериладиган рағбат, кўмак ва назоратдаги фарқлардир”. А. Притчэрд келтириб ўтишича мактабда ўқувчилар ўқитувчилари билан тез-тез учрашадилар ва уй вазифалари ҳам доимий назоратда бўлади. Олий таълимда эса аксинча, талабалар мактабдагичалик ўқитувчиларини тез-тез учратмайди. Бундан ташқари олий таълим тизимида маърузалар ва семинар машғулоти ва кўпроқ назорат турлари мавжуд. Бошқача айтганда, олий таълим талабалари ўқишнинг дастлабки даврида депрессия ёки тушкунлик ҳолатини бошидан кечирилади. Агар талабада автономия яхши ривожланса бу ҳолатни енгиб ўтиш осон кечади. Шахсга йўналтирилган ёндашув айнан талабанинг мустақил бўлишига хизмат қилади (8, 96).

Лисоний шахсиятни ривожлантириш тамойили шахсга йўналтирилган ёндашувда муҳим ҳисобланади ва баъзида ўрганишнинг асосий мақсади сифатида қаралади. Соҳа мутахассисларидан кўпи мустақил таълим жараёнида қулай ва осон муҳитни яратиш муоммосига эътибор қаратадилар. Ўқув жараёнида ўзлаштиришдан ортда қолаётган талабаларда ўқув материалларини умумлаштириш, муҳим маълумотларни ажрата билиш, ортиқча

маълумотни олиб ташлаш каби асосий ўрганиш ва когнитив стратегиялар умуман йўқ ёки яхши ривожланмаганлигини таъкидлаганлар. Шу мақсадда, ўқув жараёнида талабани кўллаб-қувватлаш усуллари, ўқитувчи ва талабалар когнитив услубларининг хамжихатлиги ўрганилмоқда. Хорижий олимлардан бир нечтаси (А. Вендон (A. Vendon), Р. Оксфорд (R. Oxford), Ў. Мэлли (O'. Malley), Д. Дансеролар (D. Dansero) ўқиш жараёнида яхши ўзлаштиришга эга талабалар томонидан фойдаланилган стратегияларни таҳлил қилиб ўрганиб чиқиб таълим жараёнида муваффақиятга эришишнинг асосий омили сифатида методни яхшилаш эмас балки талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, шунингдек талабалар қобилиятини ва ўқув кўникмаларини ривожлантиришдир деб таъкидлаб ўтганлар. Ва шу билан бирга ўқув жараёнида талабалар мустақиллигини ошириш учун талабалар автономиясини стратегик ривожлантириш имкониятларни ўрганиб чиққан.

М. Н. Вятютнев талабаларнинг ролини оддий ва шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқув жараёнида қуйидагича тасвирлаб беради:

- Оддий яъни анъанавий ўқув жараёнида ўқитувчи дарс мазмунини талабанинг коммуникатив эҳтиёжига эътибор қаратмасдан тузади. Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқув жараёнида эса ўқитувчи ва талаба ўқув режасида нима бўлишини биргаликда ҳал қиладилар.

- Анъанавий ўқув жараёнида ўқитувчи янги маълумот манбаи ва дарс субъекти талаба эса объекти ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқув жараёнида янги маълумот манбаи бу китоб ёки дарслик, талаба дарсда фаол иштирок этувчи субъект, ўқитувчи маслаҳатчи сифатидадир.

- Анъанавий ўқув жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси билим ва кўникмаларни ўргатишдир. Ўқитувчи дарс ўтади, талаба ўрганади. Шахсга йўналтирилган ёндашувли ўқув жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси дастурда белгиланган билимни ўқувчи осонроқ ўзлаштиришга ёрдамлашади.

- Анъанавий дарсда ўқитувчи ҳамма учун бир хил тақдимот ва ўқитиш усуллариини таклиф қилади. Шахсга йўналтирилган ёндашувли дарсда ҳар бир талабанинг психологик хусусиятларидан келиб чиқиб тақдимот услубини танлашда уларга ёрдам беради. Талабалар учун тилни ўзлаштиришга белгиланган вақт ҳам талаба томонидан танланилади (3).

3. Тешабоева шахсга йўналтирилган ёндашувли дарс жараёнида ўқитувчининг роли ҳақида бир қатор кўрсатмалар бериб ўтади; дарсда сўзлашиш учун ажратилган вақтни тўғри тақсимланиши ва кўпроқ вақт талабалар сўзлашиши учун ажратилиши кераклигини таъкидлайди. Дарс жараёнида ўқитувчининг гапиришини (Teacher Talk) қисқартириш ва талабалар фаоллигини оширишда қуйидаги тавсияларни келтирган:

- Муҳокама жараёнида сукунат бўлиб қолса ноқулай бўлманг, чунки талаба бу пайт мобайнида гапиришга тайёргарлик кўраётган бўлиши мумкин. Тадқиқотчилар фикрига кўра, шу сукунат жараёни талабаларни қисқа муддатли хотирадан узоқ муддатли хотирага маълумот узатишга ёрдам беради. Янги тушунчалар тақдим этилганда сукунат узоқроқ бўлиши мумкин. Талабаларни жим ўйлашга ва гуруҳдошларига гапиришга навбат беришга тайёрлаб боринг.

- Талабаларга тил ўрганишдаги тўсиқларни бартараф этишни ўргатинг. Талабаларни тилдаги қийинчиликларни ҳал қилишга ўргатиш уларни ўз ўрганиш жараёнидан ҳабардор қилади ва аниқлаштиришга йўналтирилган саволлар сўраш орқали ўқитувчининг мулоқат даврини қисқартиради. Бу нафақат синфда балки, дарсдан ташқаридаги тўсиқларни ҳам самарали ҳал қилишга талабаларни тайёрлаб боради.

- Талабаларнинг таълим жараёнида эришадиган натижаларига эътибор қаратинг. Ҳамиша бирор мақсад бўлгандагина самарали натижа бўлади. Дарс ҳам мақсадли йўналтирилган бўлиши керак.

- Турли манбалардан талабаларга маълумот тақдим этинг. Бу каби манбалар экскурсиялар, талабаларнинг бир бирларига тайёрлаб келган тақдимотлари, ауди ва видео материаллар, ахборот технология воситалари бўлиши мумкин ва ўқитувчининг дарсда гапиришига муқобил бўла олади (12, 196–198).

Ш. Шодмонова, Н. С. Мирсагатова, Г. Н. Ибрагимова, М. Т. Мирсолиевалар тузган “Педагогик технологиялар” методик қўлланмасида шахсга йўналтирилган технологияни “шахсга йўналтирилиш асосидаги муаллиф технологияси” сарлавҳасида ҳамкорлик, инсон-шахс, жадаллаштириш ва индивидуаллаштириш технологиялари сифатида талқин этадилар (14, 78–93). Шахсга йўналтирилган технологияларга У. И. Иноятов, Н. А. Муслимов, Д. И. Рўзиева, М.Х. Усмонбаевалар ҳар томонлама тўғри ёндашганлар ва қуйидаги турларини асослайдилар: муоммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, табақалаштирилган таълим, ҳамкорлик таълими, модул таълими, ўйин технологиялари, масофавий таълим, индивидуал таълим, дастурий таълим, мустақил таълим, интерфаол таълим, инновацион таълим. Шахсга йўналтирилган таълимнинг бу технологияларидан инглиз тилини ўқитишда ўз ўрнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, жумладан:

- муаммоли таълимдан инглиз тилида оғзаки нутқни ривожлантириш мобайнида талабалар ғоя ва фикрларини шакллантириш, ифодалаш, муҳокама қила олиш қобилиятини ривожлантириш;

- ривожлантирувчи таълимдан инглиз тилига хос ажралмас сўз бирикмалари, сўз шакллари ҳамда сўз қолипларини ўргатиш;

- табақалаштирилган таълимдан талабаларнинг билим даражасидан келиб чиқиб, гуруҳларни ташкил этиш;

- ҳамкорлик таълимидан тил ўрганувчилар ёзма нутқини ривожлантиришда иншо ва хатларига изоҳ беришда;

- мустақил таълимдан талабаларнинг луғат бойлигини оширишга, тинглаб тушуниш қўникмасини ошириш мақсадида теле ва радио дастурларини тинглашга, ўқиш малакасини ривожлантириш учун газета ва журналларни ўқиш кабиларга жалб қилиш;

- индивидуал таълимдан грамматик қурилмаларни шакллантириш ҳамда лексик бирикмаларни ўзлаштириш ва бойитиш кабилардир (9, 66–67).

Бир қатор олимлар шахсий йўналтирилган ёндашув асосида қуйидаги педагогик технологияларни тавсия этади:

1. Шахсга йўналтирилган таълим (И. С. Якиманская).

2. Ўз-ўзини ривожлантириш технологияси (Г. К. Селевко).

3. Адаптив мактаб педагогик технологиялари.

4. Инсонпарварлик ва шахсият технологияси (Ш. А. Амонашвили).

5. Ўйинли технологиялар.

6. Даражалар дифференцияцияси технологиялари.

7. Шахсий таълим технологияси (индивидуал ёндашув, таълимни индивидуаллаштириш, лойиҳа методлари).

8. “Педагогик маҳорат” технологияси (16).

Хорижий тилни ўқитишда дедуктив ва индуктив усуллар тавсия этилади; индуктив усулда мавзунини тушунтиришда шахсга йўналтирилган ёндашув яққол номоён бўлади. Сабабаи дедуктив методда биринчи мавзу (грамматик қоидалар, янги сўзлар) тушунтирилади ва мисоллар тақдим этилади, ушбу тушунтиришларга асосланиб ўрганилаётган тилда янги гаплар ва матнлар тузилади. Дедуктив методдан фарқли равишда индуктив метод талабаларни янги мавзунини ўзлари кашф қилиш имконини беради яъни қоидаларни ўрганиб сўнгра мисолларга ўтиш ўрнига мисоллар билан танишиб қоидаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Мисол учун, талабалар матнни ўқиб бўлганидан сўнгра матндаги ўтган оддий замондаги мисолларни топиш ва улар қандай ясалганлиги, нима учун ишлатилганлиги сўралади, сўнгра талабалар муҳокамалардан келиб чиқиб ўзлари қоидаларни яратадилар ва бир бирлари билан фикр алмашадилар (5, 81–82).

Грамматик компетенцияни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришда вазиятли тақдимотлар, матн ва ёзувли тасмалар, “назорат ўқитиш назорат” (Teach test Teach) усули орқали ўқитиш Д. Ридел томонидан ёритиб берилган. Грамматик компетенцияни “назорат ўқитиш назорат” усулида ўқитишда ўқитувчи бир қатор топшириқлар ёрдамида талабалар мавзуга оид қанчалик билимга эга ёки эга эмаслиги текшириб олинганидан кейин мавзу тушинтирилади. Шу йўл орқали талабалар ҳам ўз билимлари ҳақидаги маълумотдан хабардор бўлишади ва ўрганиш жараёнида маъсулиятни ўз зиммаларига олиш имконини беради. Чунки талабаларда биргаликда ишлаш шароити яратилади, бир бирларига ўргатишади ва билганларини бир-бирлари билан бўлишишади (11, 54–78).

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда юқоридаги шахсга йўналтирилган ёндашувга келтириб ўтилган тариф ва таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки шахсга йўналтирилган ёндашувли таълимни талабанинг хоҳиш ва имкониятларига мослаштириб, тил ўрганишда самарали ҳисобланадиган таълим тури ва ўқитиш шакли билан интеграллашган ҳолда интерфаол тил ўрганиш муҳитини яратиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий тилларни ўқитиш методикаси ва линводидактикасини ишлаб чиқиш хусусан бир нечта асосий йўналишлар билан боғлиқ:

- Талабаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига кўра когнитив услубларни ўрганиш ва кичик гуруҳларда дарслар ўтиш;
- Шахсга йўналтирилган дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш;
- Замонавий компьютер технологияларини қўллаш;
- Таълим стратегияларини ўрганиш ва стратегик тренинглар ташкил қилиш.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш йўлидаги муҳим вазифа бу унинг амалий татбиқ этиш усулларини ишлаб чиқиш ва технологик ечимларини излашдир. Бундан келиб чиқиб шундай фикр олға суриладики, бир курсда

Ўқитишнинг мақсади, воситалари, ўрганиш суръати шундай шакллантирилиши керакки натижада ўша курсда талабалар ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз усулларидан фойдаланиб ҳар хил тезликда тил ўрганишлари ва ўзлаштиришлари керак бўлади. Хорижий тил компетенцияларини ривожлантиришда шахсга йўналтирилган ёндашув аҳамиятлидир. Чунки талабалар доимий ўз билимлари ҳақидаги маълумотдан хабардор бўлишади ва ўрганиш жараёнида маъсулиятни ўз зиммаларига олиш имкони мавжуд. Шу билан бир қаторда талабаларда биргаликда ишлаш шароити яратилади, бир-бирларига ўргатишади ва билганларини бир-бирлари билан бўлишиш имконияти мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандарти: “Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” (124-сон 08.05.2013).
2. Ахмедова Л.Т. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений республики Узбекистан//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2016. — № 4 (12). — Б. 255–259. — URL: <https://journal.fledu.uz/uz/uzbekiston-respublikasi-olij-talim-muassasalari-talabalarini-zamonaviy-u-itish-va-tarbiyalashda-shahsga-aratilgan-yondashuv/>
3. Вятютнев М.Н. Теория учебника русского языка как иностранного. — Москва: Русский язык, 1984. — 144 с.
4. Давер М.В. Мотивационно-стратегические аспекты личностно-ориентированного подхода к изучению русского языка как иностранного на начальном этапе. Автореф. док. пед. наук. — М. 2008. — 47 с.
5. Harmer J, How to teach English: Pearson Education Limited, 2007. — 212 p.
6. Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии. — М.: Воронеж. 2001. — 362 с.
7. Little, D. Learner Autonomy. 1: Definitions, Issues and Problems. Dublin: Authentik. 1991.— 67 p.
8. Mamatkulova N.F. Independent study skills as a key to success in higher education system. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, EJRRRES Vol. 8 No. 10, 2020 Part II. p.96-100. — URL: <http://www.idpublications.org/ejrrres-vol-8-no-10-2020-part-ii/>
9. Маматкулова Н.Ф. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг олий таълимда хорижий тилларни ўрганишдаги аҳамияти// Pedagogika ilmiy-nazariy va metodik jurnali — 2018. — № 2. — Б. 64–68.
10. Педагогикадан атамалар луғати. — Т.: Фан, 2008.— 196 б.
11. Riddell D., Teach English as a Foreign Language, the McGraw-Hill Companies, Inc 2010 — 352 p.
12. Teshaboyeva Z.V. A student-centered approach to teaching foreign languages//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2018.— №2 (21). — Б.193–198. — URL: <https://journal.fledu.uz/uz/chet-tillarni-u-itish-uchun-shahsga-junaltirilgan-yondashuv/>
13. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. — М.: Народное образование. 1998. — 256 с.

14. Шодмонова Ш., Мирсагатова Н.С., Ибрагимова Г.Н., Мирсолиева М.Т. Педагогик технологиялар. — Тошкент: Фан ва технология, 2011 — 245 б.
15. Weimer, M. (2012). Five Characteristics of Learner Centered Teaching. Retrieved from <http://www.facultyfocus.com/articles/effective-teaching-strategies/five-characteristics-of-learner-centered-teaching/>
16. Залевская А.А. Вопросы теории овладения вторым языком в психолингвистическом аспекте. Тверь, 1996. — 196 с.
17. Зимняя И.А. Гуманизация образования – императив 21-го века// Гуманизация образования - императив XXI века: Материалы межрегион, конференции «Гуманизация образования» Науч. ред. Зимняя И.А. Набережные Челны, 1996. вып 1. — С. 20-30.
18. https://en.wikipedia.org/wiki/Student-centred_learning#cite_ref-1
19. <http://gramota.ru/slovari/dic/?az=x&word=%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D1%85%D0%BE%D0%B4%D0%BA%D0%BE%D0%B1%D1%83%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8E>
20. <https://www.psychologos.ru/articles/view/lichnostno-orientirovanny-podhod-v-prepodavani>
21. <http://fkr.uz/blog/poems/3921.html#!prettyPhoto>

References

1. *Uzbekiston Respublikasi uzluksiz ta'lim tizimining davlat ta'lim standarti: "Ta'limning barcha bosqichlari bitiruvchilarining chet tillari bujicha tajjorgarlik darazhasiga kujiladigan talablar"* (The state educational standard of the system of continuing education of the Republic of Uzbekistan: "Requirements to the level of preparation of graduates of all stages of education on foreign languages") (124 number 08.05.2013).
2. Ahmedova L.T., *Electronic scientific journal "Foreign languages in Uzbekistan"*, 2016, No. 4 (12), pp. 255-259, available at: <https://journal.fledu.uz/uz/uzbekiston-respublikasi-olij-talim-muassasalari-talabalarini-zamonaviy-u-itish-va-tarbiyalashda-shahsga-aratilgan-yondashuv/>
3. Vyatutnev M.N. *Teoriya uchebnika russkogo yazyka kak inostrannogo* (Textbook theory of Russian as a foreign language). Moscow: Russkij yazyk, 1984, 144 p.
4. Daver M.V. *Motivacionno-Strategicheskie Aspekty Lichnostno-Orientirovannogo Podhoda K Izucheniyu Russkogo Yazyka Kak Inostrannogo Na Nachal'nom Etape* (Motivational and Strategic Aspects of a Learner-Centered Approach to Learning Russian as a Foreign Language at the Initial Stage). Extended abstract of Doctor's thesis. Moscow. 2008, 47 p.
5. Harmer J. *How to teach English*. Pearson Education Limited, 2007, 212 p.
6. Leont'ev A.A. *Yazyk i rechevaya deyatel'nost v obshchej i pedagogicheskoy psihologii* (Language and speech activity in general and educational psychology), Moscow: Voronezh, 2001, 362 p.
7. Little, D. *Learner Autonomy. 1: Definitions, Issues and Problems*, Dublin: Authentik. 1991, 67 p.
8. Mamatkulova N.F. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, EJRRRES* Vol. 8 No. 10, 2020, part 2. pp. 96-100, available at: <http://www.idpublications.org/ejrrres-vol-8-no-10-2020-part-ii/>
9. Mamatkulova N.F. *Pedagogika ilmiy-nazariy va metodik jurnali*, 2018, No. 2, pp. 64-68.

10. *Pedagogikadan atamalar lugati* (Dictionary of pedagogical terms), Tashkent: Fan, 2008, 196 p.
11. Riddell D., *Teach English as a Foreign Language*, the McGraw-Hill Companies, 2010, 352 p.
12. Teshaboyeva Z.V. *Electronic scientific journal "Foreign languages in Uzbekistan"*, 2018, No. 2 (21), pp.193-198.
13. Selevko G.K. *Sovremennye obrazovatelnye tekhnologii* (Modern educational technologies), Moscow: Narodnoe obrazovanie, 1998, 256 p.
14. SHodmonova SH., Mirsagatova N.S., Ibragimova G.N., Mirsolieva M.T. *Pedagogik tekhnologiyalar* (Pedagogical technologies), Tashkent: Fan va tekhnologiya, 2011, 245 p.
15. Weimer, M. (2012). Five Characteristics of Learner Centered Teaching. Available at: <http://www.facultyfocus.com/articles/effective-teaching-strategies/five-characteristics-of-learner-centered-teaching/>
16. Zalevskaya A.A. *Voprosy teorii ovladeniya vtorym yazykom v psiholingvisticheskom aspekte* (Questions of the theory of mastering a second language in the psycholinguistic aspect). Tver', 1996, 196 p.
17. Zimnyaya I.A. *Gumanizatsiya obrazovaniya - imperativ 21-go veka* (Humanization of education is an imperative of the 21st century), Materialy mezhhregion, konferencii Gumanizatsiya obrazovaniya, Naberezhnye CHelny, 1996, pp. 20-30.
18. https://en.wikipedia.org/wiki/Student-centred_learning#cite_ref-1
19. <http://gramota.ru/slovari/dic/?az=x&word=%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D1%85%D0%BE%D0%B4%D0%BA%D0%BE%D0%B1%D1%83%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8E>
20. <https://www.psychologos.ru/articles/view/lichnostno-orientirovanny-podhod-v-prepodavanii>
21. <http://fkr.uz/blog/poems/3921.html#!prettyPhoto>